

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

А.Ахмедов

*Наманган Давлат Техника Университети
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси ассистенти*

Аннотация: *Мазкур мақолада мамлакатимизнинг 2025 йилдани 9 ойлик асосий иқтисодий соҳаларининг кўрсаткичлари ҳамда ушбу соҳаларнинг фаолият турлари бўйича натижалари таҳлил қилинган*

Калит сўзлар: *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, иқтисодий фаолият турлари, параметрлар*

Аннотация: *В данной статье анализируются показатели основных секторов экономики нашей страны за 9 месяцев 2025 года и результаты деятельности этих секторов.*

Ключевые слова: *малый бизнес и частное предпринимательство, сектор услуг, виды экономической деятельности, параметры.*

Abstract: *This article analyzes the indicators of the main economic sectors of our country for the 9 months of 2025 and the results of the activities of these sectors*

Keywords: *small business and private entrepreneurship, service sector, types of economic activity, parameters*

Мамлакатимизда узоқ вақт давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги жиддий тизимли муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан:

1. Саноат маҳсулоти

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида республика корхоналари томонидан 865 792,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши 85,6 % ни, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати 7,3 % ни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 6,5 % ни, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш 0,6 % ни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариш ўсишининг асосий омили бўлиб ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан 7,4 % га, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноати 3,7 % га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида 9,4 % га ошганлиги электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатида 3,8 % га ошган.

Шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш (2024 йилнинг январь-октябрь ойларига нисбатан 23,7 % га ошган), кийим маҳсулотлари ишлаб чиқариш (20,5 % га), бошқа металл бўлмаган минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (21,9 % га), резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш (18,7 % га) ҳажми ошди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш (2024 йилнинг январь-октябрь ойларига нисбатан 82,7 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш (2024 йилнинг январь-октябрь ойларига нисбатан 91,6 %) ҳажми пасайиши кузатилди.

2. Инфляция даражаси

Республикада 2025 йилнинг январь-октябрь ойлари учун истеъмол секторидаги инфляция даражаси 5,7 % ни ташкил этди. Ушбу давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари ўртача 3,0 % га қимматлашди, бу эса инфляция даражасини 1,37 фоиз бандга (ф.б.) оширди. Нооziқ-овқат маҳсулотлари ўртача 4,4 % га қимматлашиб, умумий кўрсаткични 1,39 ф.б. оширди, хизматлар эса ўртача 12,7 % га қимматлашиб, умумий кўрсаткични 2,90 ф.б. оширди.

Ўзбекистон Республикаси МИИТ-2018 бўлимлари кесимида 2024 йил декабрга нисбатан ИНИ нинг юқори чегараси 116,1 % га (“Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”), қуйи чегараси – 99,4 % га (“Суғурталаш ва молиявий хизматлар”) етди. 2025 йил январь–октябрь ойларида нархлар ўсиши ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичлари билан солиштирганда, “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” (мос равишда 116,1 % ва 137,0 %), “Соғлиқни сақлаш” (мос равишда 105,1 % ва 118,9 %), “Таълим соҳасидаги хизматлар” (мос равишда 104,8 % ва 113,3 %) бўлимларида ўсиш суръатида сезиларли секинлашиш қайд этилди.

2025 йилнинг январь-октябрь ойлари учун ИНИ ўсишига энг катта ҳисса қўшган бўлимлар “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Озиқ–овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар”, “Транспорт”, “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар” ҳамда “Соғлиқни сақлаш” бўлимлари бўлди (уларнинг умумий ҳиссаси +4,8 ф.б. ёки умумий ўсишнинг 84,8 % ини ташкил этди). Бошқа бўлимларнинг таъсири камроқ аҳамиятга эга бўлди.

3. Қурилиш ишлари

2025 йилнинг январь-октябрь ойида 247 334,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 114,7 % ни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмининг 61 648,1 млрд. сўми ёки 24,9 % йирик корхона ва ташкилотлар, 123 972,1 млрд. сўми ёки 50,1 % кичик корхоналар ва микрофирмалар, 61 714,2 млрд. сўми ёки 25,0 % норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.

4. Чакана савдо товар айланмаси

2025 йилнинг январь-октябрь ойида чакана савдо товар айланмаси 356 606,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,3 % га ўсди.

Йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми 2024 йилнинг январь-октябрь ойига нисбатан 16,8 % га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг 17,9 % улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2024 йилнинг январь-октябрь ойига нисбатан 9,0 % га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 72,3 % ни, шундан уюшмаган савдо товар айланмаси 9,8 % улуш билан 34 924,4 млрд. сўмни ташкил этди.

5. Ташқи савдо айланмаси

2025 йилнинг январь-октябрь ойи якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси 66 539,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 11 752,3 млн. АҚШ долларига ёки 21,5 % га кўпайди. Экспорт ҳажми 29 005,9 млн. АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,8 % га кўпайди. Импорт 37 533,4 млн. АҚШ долларига етди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,9 % га ўсди.

Экспорт таркибида қуйидаги гуруҳларда ўсиш кузатилди, жумладан: озиқ-овқат ва тирик ҳайвонлар 40,0 % га (683,4 млн. АҚШ долл.), ҳар хил тайёр маҳсулотлар 53,5 % га (494,7 млн. АҚШ долл.), кимёвий моддалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар 21,2 % га (304,2 млн. АҚШ долл.), минерал ёқилғи, мойлаш материаллари ва шунга ўхшаш материаллар 10,2 % га (114,6 млн. АҚШ долл.) ўсди.

Импорт таркибида қуйидаги гуруҳларда ўсиш кузатилди, жумладан: машина ва транспорт ускуналари 13,2% га (1 486,4 млн. АҚШ долл.), саноат маҳсулотлари 19,5 % га (969,0 млн. АҚШ долл.), кимёвий моддалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар 19,0 % га (739,4 млн. АҚШ долл.), озиқ- овқат ва тирик ҳайвонлар 18,0 % га (540,1 млн. АҚШ долл.) ўсди.

6. Кўрсатилган бозор хизматлари

2025 йилнинг январь-октябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 818 485,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,4 % га ўсди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларнинг 24,5 % га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг

ўсишидаги таъсири 4,1 пункт), транспорт хизматлари 13,4 % га (ўсишдаги таъсири 2,5 пункт), савдо хизматлари 13,0 % га (ўсишдаги таъсири 2,4 пункт), яшаш ва овқатланиш хизматлари 8,8 % га (ўсишдаги таъсири 1,8 пункт) алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 19,6 % га (ўсишдаги таъсири 1,3 пункт) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Норасмий ва яширин иқтисодий статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини кўшган ҳолда кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми яшаш ва овқатланиш (167 261,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,8 % га етди), транспорт хизматлари (150 810,8 млрд. сўм, 113,4 %), савдо хизматлари (141 205,5 млрд. сўм, 113,0 %) ва молиявий хизматлар (138 972,8 млрд. сўм, 124,5 %)га тўғри келади.

7. Корхона ва ташкилотлар сони

2025 йил 1 ноябрь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони 465,9 мингтани (фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар 395,8 мингта. Худудлар бўйича энг кўп корхоналар сони Тошкент шаҳри (106 944 та), Тошкент (45 197 та), Самарқанд (40 147 та), Фарғона (37 466 та), Қашқадарё (29 835 та), Бухоро (28 456 та) ва Хоразм (26 801 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – 151 443 та, саноат соҳасида – 58 558 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – 33 819 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – 29 717 та ҳамда қурилиш соҳасида – 29 615 тани ташкил этади.

2025 йил январь-октябрь ойларида республикада 73,4 мингта корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан кичик корхона ва микрофирмалар сони 69,2 мингтани ташкил этди. 2025 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра республикада хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 17 595 тани ташкил этди. Улардан 4 204 таси қўшма корхоналарни ва 13 391 таси хорижий корхоналарни ташкил этган.

Ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган ташаббусларнинг сифатини, олиб бориладиган ислохотлар натижадорлигини тубдан ошириш, амалга ошириладиган тадқиқотларни ислохотларнинг устувор йўналишларини рўёбга чиқаришга йўналтириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг ролини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши муҳимдир:

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муҳим тизимли муаммоларни глобал ва минтақавий хавф-хатарлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг самарали тармоқлараро ва идоралараро ҳамкорлигини жорий этиш;

- давлат органлари ва ташкилотларининг ресурслари ва маблағларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини ҳал қилиш ёки устувор стратегик вазифаларни амалга оширишнинг энг мақбул йўллари топиш учун самарали сафарбар этиш, бирлаштириш ва улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий моделлаштиришнинг замонавий воситаларини қўллаш орқали ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган иқтисодий сиёсат чора-тадбирларининг сценарийлари ва натижаларини таҳлил қилиш;

- ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалаларини ўрганиш, республика минтақаларининг рақобатдаги устунлиги, шунингдек, мавжуд салоҳияти, ресурслари ва захираларидан самарали фойдаланишдан келиб чиққан ҳолда уларни ривожлантириш ва ихтисослаштиришга стратегик ёндашувларни шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Xizmatlar sohasi barqaror rivojlanishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025 -yil 27-fevraldagi PQ-78-son qarori

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2020 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш параметрлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент. 2020 йил.

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. *Халқ сўзи газетаси*, 13 декабр. 2017 йил

4. Султонов Ш.А., Рахматов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиридаги роли. // Самарқанд, 2019 йил 22-23 февраль.

5. Собиров О.О. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш. Халқаро молия ва ҳисоб журнали. - ТМИ. Тошкент. 2021 йил июн. №3. ISSN:2181-1016.

6. Собиров О.О. Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини

такомиллаштириш йўналишлари. / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022 йил.

7. www.ziyonet.uz

8. <http://www.stat.uz>

9. <http://www.lex.uz>

10. <https://ojs.trp.org.in/index.php/ijiss/article/view/5242>

11. <https://pubs.aip.org/aip/acp/article-abstract/3306/1/030025/3348788/Green-finance-and-ESG-investing-Driving?redirectedFrom=fulltext>

12. <https://injoere.com/article/73051>